
ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 11 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, соғлиқни сақлаш, газ, электр ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олинди, 2 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 5 нафар фуқарога жойида тушунтириш берилди. Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2023-01-11 14:24:58